

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ВА БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ

Искандаров Саидаъзамхон Салоҳиддин ўғли

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

мустақил изланувчиси

iskandarovsaidazamxon@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар ва барқарор иқтисодий ўсиш жараёнлари макроиқтисодий жиҳатдан таҳлил қилинган. Тадқиқотда ялпи ички маҳсулот, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизматлар соҳаси, инвестициялар ва ҳудудий иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари ўрганилди. Иқтисодий либераллаштириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг иқтисодий ўсишга таъсири баҳоланди. Натижалар иқтисодиётда саноат ва хизматлар соҳаси улуши ортиб бораётганлигини кўрсатди.

Калит сўзлар: макроиқтисодий таҳлил, иқтисодий ўсиш, таркибий ўзгаришлар, ялпи ички маҳсулот, иқтисодий диверсификация, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизматлар соҳаси, инвестициялар, рақамли иқтисодиёт, яшил иқтисодиёт, ҳудудий ривожланиш.

КИРИШ.

Бугунги глобал иқтисодий трансформация шароитида миллий иқтисодиётларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ҳамда иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш муҳим стратегик вазифалардан бири ҳисобланади. Айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнларини бошдан кечираётган мамлакатларда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, таркибий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни диверсификация қилиш масалалари долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган кенг қамровли иқтисодий ислохотлар мамлакатнинг узоқ муддатли барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистон иқтисодиётини бозор механизмлари асосида шакллантириш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини босқичма-босқич қисқартириш, хусусий секторни ривожлантириш ва ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга қаратилган ислохотларни амалга ошириб келмоқда. Айниқса, 2017-йилдан кейин иқтисодиётни либераллаштириш, валюта сиёсатини эркинлаштириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган қарорлар мамлакат иқтисодий ўсиш суръатларининг барқарорлашувиغا хизмат қилди.

Сўнгги йилларда мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмининг юқори суръатларда ўсиши, саноат ва хизматлар соҳасининг иқтисодиётдаги улуши ортиши, рақамли иқтисодиёт элементларининг жорий этилиши ҳамда “яшил иқтисодиёт” тамойилларига босқичма-босқич ўтиш иқтисодиёт таркибида муҳим сифат ўзгаришларини юзага келтирмоқда. Хусусан, 2024-йилда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти 6,5 фоизга ўсгани мамлакат иқтисодиётининг ташқи ва ички иқтисодий ўзгаришларга мослашиш қобилияти юқори эканлигини кўрсатди.

Шу билан бирга, аҳоли сонининг юқори суръатларда ўсиши, меҳнат бозорида янги иш ўринларини яратиш зарурати, ресурслардан самарали фойдаланиш, экологик барқарорликни таъминлаш ва иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш каби масалалар иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу эса иқтисодий ўсишнинг тармоқлар кесимидаги хусусиятларини таҳлил қилиш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни баҳолаш ва макроиқтисодий ривожланиш тенденцияларини тадқиқ этишни талаб этади.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.

Макроиқтисодий ўсиш, иқтисодиётни таркибий модернизация қилиш ва барқарор ривожланиш масалалари иқтисодий назария ва амалий тадқиқотларда муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Айниқса, ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий ўсиш драйверлари, тармоқлараро трансформация жараёнлари ҳамда давлат ислохотларининг иқтисодиётга таъсирини баҳолашга қаратилган тадқиқотлар сўнгги йилларда кенг қўлланилмоқда.

Иқтисодий ўсиш назариясининг шаклланишида классик иқтисодчилардан Адам Смитх, Давид Рисардо ва Жохн Майнард Кейнеснинг илмий қарашлари муҳим аҳамият касб этган. Хусусан, А.Смит иқтисодий ўсишнинг асосий манбаи сифатида меҳнат тақсмоти ва бозор муносабатларини кўрсатган бўлса, Д.Рикардо ресурслардан самарали фойдаланиш ва ташқи савдо устунликларига алоҳида эътибор қаратган. Кейнс эса давлатнинг иқтисодиётдаги фаол иштироки иқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим омил эканлигини асослаб берган.

Замонавий иқтисодий ўсиш назариясида Роберт Соловнинг неоклассик ўсиш модели муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда капитал, меҳнат ва технологик тараққиёт иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари сифатида талқин қилинган. Кейинчалик эндоген ўсиш назарияси вакиллари Паул Ромер ҳамда Роберт Лусас Жр. инсон капитали, инновациялар ва билимлар иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли драйвери эканлигини таъкидлаганлар.

Сўнгги йилларда иқтисодиётни модернизация қилиш ва таркибий трансформация қилиш масалалари бўйича кўплаб халқаро тадқиқотлар амалга оширилди. Ворлд Банк экспертлари томонидан тайёрланган тадқиқотларда ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий либераллаштириш, хусусий секторни ривожлантириш ва инвестиция муҳитини яхшилаш барқарор иқтисодий ўсишнинг муҳим омиллари сифатида баҳоланган. Шунингдек, Интернационал Монетарй Фонд таҳлилларида макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда

фискал ва монетар сиёсатнинг мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширилиши муҳимлиги қайд этилган.

Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари ва таркибий ўзгаришларини тадқиқ этиш бўйича маҳаллий олимлар томонидан ҳам илмий ишлар амалга оширилган. Жумладан, иқтисодиётни диверсификация қилиш, саноатни модернизация қилиш, хизматлар соҳасини ривожлантириш ва инвестиция сиёсатини такомиллаштириш масалалари С.С.Гулямов, Б. Беркинов, Б. Салимов ва бошқа иқтисодчи олимлар тадқиқотларида ёритилган.

МЕТОДОЛОГИЯ.

Мазкур тадқиқотда Ўзбекистон иқтисодиётининг макроиқтисодий ривожланиш тенденциялари, таркибий ўзгаришлар ва иқтисодий ўсиш омилларини баҳолашда статистик, қиёсий таҳлил, иқтисодий-математик ва эконометрик усуллардан фойдаланилди. Тадқиқот жараёнида ялпи ички маҳсулот, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизматлар соҳаси, инвестициялар ва аҳоли бандлигига оид кўрсаткичлар асосий таҳлил объекти сифатида танланди.

Тадқиқотнинг ахборот базасини *Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси, Ворлд Банк, Интернационал Монетарй Фунд* каби маълумотлар базаларидаги маълумотларидан фойдаланилди.

Иқтисодий таҳлилларни амалга ошириш жараёнида иқтисодиёт тармоқларининг ЯИМдаги улуши, ўсиш суръатлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги динамик қаторлар асосида баҳоланди. Шунингдек, иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омилларни аниқлашда корреляцион ва регрессион таҳлил усулларидан фойдаланилди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР.

Тадқиқот доирасида Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари бўйича статистик таҳлил амалга оширилди. Таҳлил жараёнида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), саноат ишлаб чиқариши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми, хизматлар соҳаси кўрсаткичлари, инвестициялар, аҳоли бандлиги ҳамда иқтисодиёт тармоқларининг улушлари каби кўрсаткичлар динамикаси ўрганилди.

1-жадвал


2025-йилда ЯИМни шакллантиришда ҳудудларнинг иштироки (жамига нисбатан %да)⁴⁷

Ҳудудлар номи	%	Ҳудудлар номи	%
Қорақалпоғистон Республикаси	3,1	Самарқанд	6,9
Андижон	6,2	Сурхондарё	3,7
Бухоро	4,9	Сирдарё	1,9
Жиззах	3,0	Тошкент	10,1
Қашқадарё	5,5	Фарғона	6,3
Навоий	8,1	Хоразм	3,5


⁴⁷ Milliy statistika qo'mitasi ma'lumotlari asosida tayyorlandi

Наманган	4,7	Тошкент шаҳри	19,3
----------	-----	---------------	------

1-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, 2024 йилда республика ялпи ички маҳсулотининг ҳудудлар кесимида шаклланиш таҳлили иқтисодий фаолликнинг ҳудудлар бўйича нотекис тақсимланганлигини кўрсатади. Хусусан, Тошкент шаҳри республика ЯИМининг 19,3 % улушини шакллантириб, мамлакат иқтисодиётининг асосий иқтисодий маркази сифатида намоён бўлди. Бу ҳолат, аввало, пойтахтда саноат, хизмат кўрсатиш, молия, ахборот технологиялари ва инвестиция фаоллигининг юқори даражада жамланганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, Тошкент вилоятининг 10,1 % ва Навоий вилоятининг 8,1 % улушга эга бўлиши мазкур ҳудудларда йирик саноат корхоналари, кон-металлургия мажмуалари, энергетика объектлари ҳамда юқори инвестицион фаоллик мавжудлиги билан боғлиқдир. Аксинча, Сирдарё вилояти (1,9 %), Жиззах вилояти (3,0 %) ва Қорақалпоғистон Республикасининг (3,1 %) ЯИМдаги нисбатан паст улуши ушбу ҳудудларда саноатлашув даражаси, хизматлар соҳаси ривожланиши ва инвестиция фаоллигининг чекланганлиги билан изоҳланади. Шу билан бирга, табиий-иқлим шароитлари, инфратузилма ривожланиш даражаси ҳамда иқтисодий ресурслар тақсимотидаги тафовутлар ҳам ҳудудлар иқтисодий салоҳиятига сезиларли таъсир кўрсатади.



1-расм. 2024-йилда иқтисодиёт секторларининг ЯИМдаги улуши⁴⁸



2-расм. Ҳудудлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг ҳажми (млрд сўм, ўсиш %да)⁴⁹

Ўзбекистон иқтисодиёти анъанавий равишда узок давр мобайнида аграр йўналишга эга бўлган бўлсада, сўнгги йилларда иқтисодий ислохотлар натижасида саноат ва хизматлар соҳалари иқтисодиётнинг асосига айланиши кузатилмоқда. Шундай бўлсада қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётдаги салмоғи ҳали ҳам сақланиб қолмоқда. 2025 йил 1 январ ҳолатига қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) сони – 30 952 тани, шундан деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматларда – 28 109 тани, ўрмон хўжалигида – 228 тани ҳамда балиқчилик хўжалигида – 2 615 тани ташкил этди.

⁴⁸ Milliy statistika qo'mitasi ma'lumotlari asosida tayyorlandi


⁴⁹ Milliy statistika qo'mitasi ma'lumotlari asosida tayyorlandi

2024 йил январ-декабр ойида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) сони – 9 117 тани ташкил этди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2024 йилнинг январ-декабр ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми 467 041,5 млрд сўмни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар – 451 019,6 млрд сўмни, ўрмон хўжалиги – 11 778,4 млрд сўмни, балиқчилик хўжалиги – 4 243,5 млрд сўмни ташкил қилди.

2024 йилнинг январ-декабр ойлари яқунларига кўра, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари умумий ҳажмининг 96,6%и – деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар (2023 йилнинг январ-декабр ойларида 96,5 %), 2,5 %и – ўрмон хўжалиги (2,5 %) ва 0,9 %и – балиқчилик хўжалиги (1,0 %) ҳиссасига тўғри келди.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, қишлоқ хўжалигида маҳсулот (хизмат)ларининг асосий улуши деҳқон хўжаликлари маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келиши сабабли, деҳқон хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва имтиёзлар яратилиши муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шуларни инобатга олган ҳолда деҳқон ва фермер хўжаликларини моддий техник базасини яхшилаши учун тегишли рўйхат бўйича хориждан олиб келинадиган барча турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатлари ҳамда уларнинг бутловчи буюмлари ва эҳтиёт қисмлари 2025-йилгача божхона тўловларидан (ҚҚС ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) ва утилизатсия йиғимидан озод қилиниши белгиланган. 2023–2024 йилларда қишлоқ хўжалиги техникаси харидини молиялаштириш учун жами 2,6 трлн сўм йўналтирилган.



2.2-расм. Худудлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг ҳажми (млрд сўм, ўсиш %да)⁵⁰

⁵⁰ Milliy statistika qo‘mitasi ma’lumotlari asosida tayyorlandi


2024 йилнинг январ-декабр ойларида ҳудудлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг энг юқори ҳажми Самарқанд (57 452,0 млрд сўм), Андижон (46 494,9 млрд сўм), Тошкент (44 379,0 млрд сўм), Қашқадарё (44 293,5 млрд сўм), Фарғона (44 043,4 млрд сўм) ва Бухоро (41 871,5 млрд сўм) вилоятларида қайд этилди. Аксинча кам ҳажмга эга ҳудудларга Сирдарё вилояти (15 926,3 млрд сўм) Қорақалпоғистон Республикаси (17 970,7 млрд сўм) ва Навоий вилояти (21 813,1 млрд сўм) келтириб ўтиш мумкин.

Ҳудудлар бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати таҳлил қилинганда, юқори ўсиш суръатлари Фарғона (104,8 %), Наманган (104,3 %), Қашқадарё (104,2 %), Навоий (103,9 %) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (103,5 %) қайд этилди. Бошқа ҳудудларга нисбатан Жиззах (101,2 %), Тошкент (101,4 %), Сирдарё (101,6 %), Бухоро (102,7 %) ва Самарқанд (102,7 %) вилоятларида эса аксинча ўсиш суръатлари пастлиги кузатилди.

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистоннинг тарихий ва стратегик тармоғидир. 2023-йил статистика маълумотларига кўра 3,344 минг аҳоли ушбу соҳада банд бўлиб, ички озиқ-овқат таъминоти, экспорт, бандлик ва қишлоқ инфратузилмаси ривож билан машғулдирлар.

Қишлоқ хўжалигининг асосий йўналишлари пахтачилик ва ғаллачилик, боғдорчилик, чорвачилик ва иссиқхона хўжалигидир. Қишлоқ хўжалиги соҳасида сўнгги йилларда кўплаб ислохотлар амалга оширилди. Жумладан:

Кластерлар тизими жорий этилди — бу қўшилган қиймат занжирининг барча иштирокчиларини (фермерлар, қайта ишловчи корхона, экспортёр) бир мақсад сари жамлаган корхоналар гуруҳи. Республика бўйлаб жами 632 та кластер мавжуд ва уларга 286 минг гектар ер майдони бириктирилган. (таққослаш учун 86,361 та фермер хўжалигига 1,899 минг гектар ер майдони бириктирилган.




2.3-расм. 2021-йилда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кластерлар сони⁵¹

⁵¹ O'zbekiston Respublikasi Qishloq xo'jaligi vazirligi statistik ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi

Қишлоқ хўжалигининг асосий манбайи ҳисобланувчи ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланишни оптималлаштириш учун сув тежовчи технологиялар жорий қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030-йилларга мўлжалланган концепсияси ҳамда “Ўзбекистон–2030” стратегиясида сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилишни 2030 йилгача 2 миллион гектарга, жумладан, томчилатиб суғориш технологиясини 600 минг гектарга етказиш белгиланган. 2024-йилда Республика бўйича 849,4 минг гектар майдонларда сув тежовчи технологиялар, жумладан, 84,9 минг гектарда томчилатиб суғориш, 37,2 минг гектарда ёмғирлатиб суғориш, 30,6 минг гектарда дискрет суғориш технологиялари жорий қилинди. 173,9 минг гектар майдонлар эгилувчан қувур орқали ва эгатга плёнка тўшаб суғорилди, 522,8 минг гектар майдонлар лазерли текисланди. Сув тежовчи технологиялар жорий қилинган майдонлар 2 млн гектарга, шундан томчилатаб суғориш технологияси қамрови 560 минг гектарга етказилди. 2025-йил ҳосили учун 21,8 минг гектар ғалла майдонларида ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилиш бўйича “сувкредит.уз” платформаси орқали пудрат шартномалари расмийлаштирилиб, 15 минг гектар учун молиялаштирилган бўлса, 11 минг гектар майдонларда қурилиш-монтаж ишлари бошланган. Шунингдек, агросуғурта тизими яратилди, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортни рағбатлантириш учун божхона имтиёзлари берилди.

Иқтисодиётда ҳажми бўйича иккинчи ўринда турувчи саноат сектори иқтисодиёт модернизатсиясининг асосий ҳаракатлантирувчиси ҳисобланади. Саноат бу – хом ашёни қайта ишлаш, ер ости бойликларини ўзлаштириш, ишлаб чиқариш воситалари ва халқ исте’моли молларини яратишни қамраб олувчи ишлаб чиқариш тармоғидир. Айниқса, юқори технологияларга асосланган автомобилсозлик, металлургия ва энергия саноати ЯИМда салмоқли ўринга эга.



2.4-расм. Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби (2025-йил январ ҳолатига, жамига нисбатан % да)⁵²

⁵² Milliy statistika qo‘mitasi ma’lumotlari asosida tayyorlandi

2023-йил статистика маълумотларига кўра 1,661.9 минг аҳоли саноат тармоғида иш билан банддирлар. Саноат тармоғида ҳам 2017-йилдан кейин салмоқли ислохотлар амалга оширилди. Ишлаб чиқариш қувватларини технологик модернизатсия қилиш жараёнида давлат сиёсати саноат ишлаб чиқаришини диверсификатсия қилишни жадаллаштириш, юқори технологияли ишлаб чиқариш тармоқларини жадал ривожлантиришни таъминлашга қаратилди. 2022-2026-йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясида белгилаб берилган ислохотларнинг янги босқичида саноат соҳасини таркибий ўзгартириш йўналишларидан бири ялпи ички маҳсулот таркибида саноат улушини ошириш бўйича белгиланган кўрсаткичга эришиш учун юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришдан иборат бўлди. Жалб қилинган хорижий инвестициялар йирик лойиҳаларга йўналтирилмоқда.

ХУЛОСА.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ислохотлар мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Иқтисодиётни либераллаштириш, инвестиция муҳитини яхшилаш, саноатни модернизация қилиш ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар иқтисодий фаолликнинг ошишига хизмат қилмоқда. Таҳлил натижалари саноат ва хизматлар соҳасининг иқтисодиётдаги улуши ортиб бораётганлигини, қишлоқ хўжалиги эса стратегик тармоқ сифатида муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Шу билан бирга, ҳудудлар ўртасида иқтисодий ривожланиш даражасида муайян тафовутлар сақланиб қолаётгани аниқланди. Келгусида иқтисодий диверсификацияни чуқурлаштириш, сув тежовчи технологияларни кенг жорий этиш, юқори қўшимча қийматли ишлаб чиқаришларни ривожлантириш ҳамда ҳудудий иқтисодий сиёсатни такомиллаштириш мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлиги ва барқарорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Салимов А.Б. Саноатни модернизация қилиш ва инвестиция сиёсати самарадорлиги. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2022. – 198 б.
2. Гулямов С.С. Рақамли иқтисодиёт ва инновацион ривожланиш масалалари. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2021. – 256 б.
3. Беркинов Б. Ўзбекистон иқтисодиётини диверсификация қилишнинг устувор йўналишлари. – Тошкент: Фан, 2020. – 214 б.
4. Ваҳобов А.В. Миллий иқтисодиётни модернизация қилишнинг назарий асослари. – Тошкент: Молия, 2018. – 240 б.
5. Ходиев Б.Ю. Иқтисодий ўсиш ва инвестиция сиёсатининг устувор йўналишлари. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2021. – 223 б.
6. Мустафақулов Ш.Ш. Инвестиция муҳитини яхшилаш ва иқтисодий рақобатбардошликни ошириш масалалари. – Тошкент: Фан ва технология, 2023. – 187 б.

7. Қаюмов А.А. Иқтисодий ўсишни таъминлашда саноат сиёсати ва инновацияларнинг роли. – Тошкент: Фан, 2021. – 201 б.
8. Алиев М.А. Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш механизмлари. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2020. – 176 б.
9. Каримов К.К. Макроиқтисодий таҳлил ва барқарор иқтисодий ривожланиш муаммолари. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2021. – 232 б.
10. Маматкулов У.М. “Яшил иқтисодиёт” концепцияси ва иқтисодий трансформация жараёнлари. – Тошкент: Молия, 2022. – 190 б.